

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши

• Умумий йиғилиши Раиси
 **С. Гуломов**

2014 йил 13 июнь
31 - сонли баённома

“ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ - ҚУРИЛИШ БАНКИ”
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
ТАФТИШ КОМИССИЯСИ
ТЎҒРИСИДА НИЗОМ
(янги тахрирда)

Тошкент-2014 йил

I. Умумий қоидалар

1.1. Тафтиш комиссияси “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда – “Банк”)нинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайлаб қўйиладиган, назорат-тафтиш органи ҳисобланади.

1.2. Ушбу Низом Банкнинг Тафтиш комиссияси мақомини, фаолиятини, вазифа ва текшириш тартибини белгилайди.

1.3. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави ҳамда мазкур Низомга асосан амалга оширади.

II. Тафтиш комиссиясини сайлаш тартиби

2.1. Тафтиш комиссияси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида 5 кишидан иборат таркибда Банк акциядорлари орасидан ёки акциядорлар томонидан номзоди кўрсатилган шахслар орасидан бир йил муддатга сайланади.

Банкнинг Тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчилар) бир вақтнинг ўзида Банк Кенгашининг ёки Бошқарувининг аъзоси бўлиши, шунингдек Банк Бошқаруви органларида бошқа лавозимларни эгаллаши мумкин эмас.

2.2. Тафтиш комиссиясига номзодларни Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 1 (бир) фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) кўрсатиши мумкин.

2.3. Тафтиш комиссияси аъзолари Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этган овоз берувчи оддий акцияларга эгаллик қилувчи акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан сайланади. Банк кенгаши аъзоларига ҳамда Банкнинг бошқа бошқарув органларида бирор бир лавозимни эгаллаб турган шахсларга тегишли бўлган акциялар Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлашда иштирок этмайди.

Овоз бериш натижаларига кўра энг кўп овоз олган номзод Тафтиш комиссиясига сайланган ҳисобланади.

Айни бир шахс айна бир Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

2.4. Тафтиш комиссияси аъзолари томонидан улар орасидан Тафтиш комиссиясининг Раиси ва котиби сайланади.

Тафтиш комиссиясининг Раиси ва котиби Тафтиш комиссияси аъзолари томонидан уларнинг оддий кўпчилик овози билан сайланади.

2.5. Тафтиш комиссиясининг ваколат муддати у сайлангандан бошлаб кейинги йилда ўтказиладиган Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Тафтиш комиссиясининг янги таркиби сайлангунга қадар амал қилади.

2.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Тафтиш комиссиясининг ваколатини муддатидан олдин тугатиши мумкин.

Тафтиш комиссияси аъзолари ваколатларини муддатидан олдин тугатиш ва Тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш масаласи, агар бунинг Банк акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида ўн фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорларнинг) талаб қилса, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида ҳал қилиниши мумкин.

2.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Тафтиш комиссияси аъзосининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиши мумкин.

2.8. Тафтиш комиссияси аъзоси томонидан қасддан жиноят содир этилган тақдирда унинг ваколатлари тугатилиши шарт.

III. Тафтиш комиссияси фаолиятини ташкил қилиш

3.1. Тафтиш комиссиясининг қарорлари унинг мажлисларида қабул қилинади.

3.2. Тафтиш комиссияси мажлиси барча аъзолар иштирок этган тақдирдагина ваколатли бўлади.

3.3. Тафтиш комиссиясининг қарорлари унинг аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, бир овоздан қабул қилиниши лозим бўлган қарорлар бундан мустасно.

3.4. Тафтиш комиссиясининг Раиси унинг ишини ташкил қилади, жумладан Тафтиш комиссияси мажлисининг кун тартибини белгилайди, мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ва уларнинг сақланишини ташкил қилади. Акциядорлар умумий йиғилишида Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан ҳисобот беради.

3.5. Тафтиш комиссиясида иш юритиш Тафтиш комиссиясининг котиби томонидан амалга оширилади.

3.6. Тафтиш комиссияси мажлисларида котиб томонидан мажлис баённомаси юритилади.

Тафтиш комиссияси мажлиси баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:
мажлис ўтказилган сана, жой ва вақт;

Тафтиш комиссияси миқдор таркиби, мажлисда иштирок этган Тафтиш комиссияси аъзолари;

кун тартиби;

овозга қўйилган масалалар;

кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича Тафтиш комиссияси ҳар бир аъзоласининг овоз бериш натижалари;

қабул қилинган қарор;

Тафтиш комиссияси аъзосининг алоҳида фикри мавжудлиги ҳақидаги маълумот.

3.7. Тафтиш комиссияси мажлис баённомаси Раис ва котиб томонидан имзоланади.

IV. Тафтиш комиссиясининг вазифалари ва ваколатлари

4.1. Тафтиш комиссияси тафтиш ўтказиш орқали Банкнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни олиб боради, ички ва ташқи аудиторларнинг ваколатларига кирмайдиган вазифаларни бажаради.

Тафтиш комиссияси ўзининг ваколатлари доирасида Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади (текширади), Банк Кенгаши, Бошқаруви ва бошқа бошқарув органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, Банк Уставига, шунингдек акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилинишини назорат қилади.

V. Тафтиш комиссияси томонидан банк молия хўжалик фаолиятини текшириш

5.1. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан, Банк Акциядорлари умумий йиғилишининг, Кенгашининг қарорига ёки жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида ўн фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан амалга оширилади.

5.2. Тафтиш комиссияси Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш жараёнида қуйидагиларни текширади:

Банк фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши;

Банк Кенгаши ва Бошқарув томонидан қабул қилинган қарорларнинг Банк Устави ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларига мувофиқлиги;

Банк Акциядорлари умумий йиғилишининг, Кенгашнинг, Бошқарувнинг қарорларининг бажарилиши;

Банкнинг йиллик ҳисоботидаги (жумладан бухгалтерия ҳисоботини) маълумотларнинг ҳаққонийлигини;

Банк томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тўғри амалга оширилишини;

Тафтиш комиссияси томонидан илгари аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан берган кўрсатмаларининг бажарилишини;

Банк мол-мулкни инвентаризация қилиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни ва мазкур ҳужжатларнинг бухгалтерия ҳисоби дастлабки маълумотларига мувофиқлигини;

Банк томонидан амалга ошириладиган тўловларнинг, жумладан, бюджетга тўловларнинг, дивидендларни тўлашнинг, Банкнинг бошқа мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўғри амалга оширилишини;

Тафтиш комиссияси Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини таҳлил қилади, улар амалдаги қонунчиликка ва Банк Уставига зид бўлса, уларни қонунчиликка мувофиқлаштириш юзасидан таклиф киритади.

5.3. Тафтиш комиссияси аъзолари Банк молия-хўжалик фаолиятини текшириш жараёнида Банкнинг ваколатли шахсларидан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар, маълумотлар ҳамда тушунтиришларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5.4. Тафтиш комиссияси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ҳамда Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига асосан тижорат сир ва банк сир ҳисобланган маълумотларни сир саклашлари шарт.

5.5. Тафтиш комиссияси томонидан текшириш ўтказиш муддати 30 календар кундан кўп бўлмаслиги лозим.

VI. Тафтиш комиссиясининг хулосаси ва уни кўриб чиқиш

6.1. Банкнинг молия хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш натижалари бўйича Тафтиш комиссияси томонидан хулоса тузилади. Мазкур хулоса қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

Банкнинг ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларидаги маълумотларнинг тўғрилиги тасдиқланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари билан ўрнатилган бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботини олиб бориш тартибини бузиш ҳолатлари, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни;

Тафтиш комиссияси банкда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чорақда Банк Кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

6.2. Тафтиш комиссиясининг хулосасида Банкнинг бошқарув органларига Банкнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай тавсиялар берилиши мумкин.

6.3. Тафтиш комиссиясининг хулосаси унинг барча аъзолари томонидан, жумладан хулосадан норози бўлган аъзоси томонидан ҳам имзоланади. Тафтиш комиссиясининг хулосасига қарши бўлган Тафтиш комиссияси аъзоси хулосага ўзининг хулосага қаршилигинининг сабаблари кўрсатилган алоҳида фикрини илова қилади.

6.4. Тафтиш комиссияси аъзолари томонидан имзоланган хулоса Тафтиш комиссияси Раиси (ёки унинг топшириғи билан Тафтиш комиссиясининг бошқа аъзоси) томонидан Банк Кенгашига ва Бошқарувига топширилади.

6.5. Банк Бошқаруви Тафтиш комиссиясининг хулосасини олгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижаларини Банк Кенгашининг муҳокамасига киритиши лозим.

VII. Тафтиш комиссияси талаби билан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш хусусиятлари

7.1. Тафтиш комиссияси Банк Кенгашининг муҳокамасига Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш масаласини киритиши мумкин.

7.2. Тафтиш комиссияси қуйидаги ҳолларда Банк Кенгашидан Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиши шарт:

Банкнинг манфаатларига жиддий хавф туғилганда ёки Банкнинг мансабдор шахслари томонидан суистеъмолчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда;

Банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида ва Банк Уставида назарда тутилган, Банк мол-мулкни олиш ва уни тасарруф қилиш билан боғлиқ йирик битимларни тузиш қоидалари бузилиши натижасида банкка зарар етказилганлиги аниқланганда;

Банк томонидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузиш тартибига риоя қилмаган ҳолда битимлар тузилиши натижасида Банкка зарар етказилганлиги аниқланганда;

Банк ходимлари томонидан ўзлаштириш, растрата, фирибгарлик содир этилганлик ҳолатлари, шунингдек Банкка зарар етказиши мумкин бўлган бошқа ноқонуний ҳаракатлар содир этилганлиги аниқланган бўлса.

7.3. Банк Кенгаши томонидан қонунчиликда белгиланган муддатда Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинмаган бўлса ёки Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш рад этилган тақдирда, Тафтиш комиссиясининг ўзи қонунчиликда белгиланган тартибда Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш билан боғлиқ харажатлар Банк ҳисобидан қопланади.

7.4. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарор Тафтиш комиссияси томонидан унинг йиғилишида барча аъзолари томонидан бир овоздан Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш учун асос бўлган текшириш муддати тугагунга қадар қабул қилиниши лозим.

7.5. Тафтиш комиссиясининг Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

қайси текшириш натижасига кўра Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш масаласи кўрилаётганлиги;

қандай асосларга кўра Банкнинг молия-хўжалик фаолияти текширилган, уни ўтказиш муддати;

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришга сабаб бўлган ҳолатлар;

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун Банк Кенгашига таклиф.

7.6. Тафтиш комиссиясининг Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш ҳақида қарор қабул қилинган мажлис баённомасининг асл нусхаси Банк Бошқаруви Раисига тақдим этилади. Мазкур баённомага Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришга асос бўлган текшириш бўйича тузилган хулоса илова қилинади. Баённома нусхаси илова билан бирга Банк Кенгаши Раисига юборилади.

VIII. Яқунловчи қоидалар

8.1. Банк Бошқаруви Тафтиш комиссиясининг ишлаши учун лозим бўлган шарт-шароитни яратиб беради, жумладан Тафтиш комиссияси аъзоларини ишлаш учун лозим бўлган хона, техника жиҳозлари, керакли ҳужжатлар билан таъминлайди.

8.2. Тафтиш комиссияси ўз вазифаларини амалга оширган даврда Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан унинг аъзоларига ҳақ тўланади ва уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлари Банк ҳисобидан тўланади. Уларга тўланадиган ҳақ ва компенсация тўловлари миқдори Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

8.3. Тафтиш комиссияси аъзолари улар томонидан ўтказилган текшириш(тафтиш) натижалари юзасидан тузилган хулосанинг тўғрилиги ва қонунийлиги юзасидан солидар тартибда жавобгар бўладилар.

8.4. Тафтиш комиссияси аъзоси ўтказилган текшириш (тафтиш) юзасидан бошқа аъзоларнинг хулосасига қарши бўлган ҳолда алоҳида фикр берган бўлса, мазкур фикр юзасидан шахсан жавобгар бўлади.

8.5. Банк тафтиш комиссиясининг, аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши Раиси



С. Гуломов

Бошқарув Раиси в.в.б




Ж. Обиджонов

Бошқарув
Раиси ўринбосари



Ш. Якубов

Бошқарув
Раиси ўринбосари



С. Ходжаев

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи
департаменти директори –
бош бухгалтери в.в.б




А. Дадаханов

Юридик бошқарма
бошлиғи



Б. Усманов

Иқтисодий таҳлил
департаменти директори



Б. Рахматов

Қимматли қоғозлар билан
ишлаш бошқармаси бошлиғи



У. Газиёв

Ғазначилик бошқармаси бошлиғи



Х. Акбаров